



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 3 декабрь, № 254 (7756)

Пайшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Сухбат аввалида Президент Ашраф Ғани Афғонистоннинг кўп миллатли халқи номидан Ўзбекистон раҳбарига афғонлараро тинчлик жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ҳамда ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, шу жумладан, коронавирусга қарши курашиш даврида амалий ёрдам кўрсатаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Президентлар икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик суръати ортиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этдилар.

Пандемия оқибатларига қарамай, ўзаро товар айирбошлаш ҳамда сезиларли кўпайди, бизнес алоқалари фаоллашди. Икки мамлакат тадбиркорлари учун ноёб им-

кониятларга эга “Термиз” халқаро савдо маркази ташкил этилди.

Савдо ҳажмини икки баробар кўпайтириш учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш, савдо уйлари тармоғини кенгайтириш ва янги кооперация лойиҳалари тўпламини шакллантириш масалалари ўрганилмоқда.

Гуманитар соҳада қатор муҳим қўшма тадбирлар муваффақиятли ўтказилди. Хусусан, жорий йил октябр ойида Афғонистонда илк бор Ўзбек тили байрами давлат даражасида нишонланди. Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги Таълим маркази негизда афғонистонлик мутахассисларни тайёрлаш давом этмоқда, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида салмоқли дастурлар амалга ошириляпти.

Президентлар ўтган hafta бўлиб ўтган Афғонистон бўйича Женева халқаро конференциясининг асосий натижаларини юксак баҳоладилар. Минтақада ўзаро боғлиқликни

янада мустаҳкамлаш, Афғонистонни халқаро савдо-иқтисодий алоқаларга интеграция қилишга қаратилган устувор лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Трансафғон темир йўл йўлагини барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида етакчи мамлакатлар ва халқаро молиявий институтларга қўшма мурожаат йўллашга келишиб олинди. “Сурхон — Пули-Хумри” йўналишида электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини жадаллаштириш масалалари мувофиқлаштирилди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида дўстлик, яхши кўшничлик ва кенг кўламли шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Сухбат ҳар доимгидек конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташир билан бўлиб турган Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Дмитрий Козак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Олий даражадаги самарали мулоқот туфайли Ўзбекистон — Россия кўп қиррали ҳамкорлиги кейинги йилларда жадал суръат билан ривожланаётгани, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамлашиб бораётганини давлатимиз раҳбари катта мамнуният билан қайд этди.

Дмитрий Козак Ўзбекистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Бўлажак икки томонлама ва кўп томонлама форматдаги учрашувларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу тадбирлар кўп тартибини аниқ амалий мазмун билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро сийёсатнинг айрим жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ВА ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шoir, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг бетакрор ижодий мероси, унинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни мадҳ этган етук бадий асарлари, сермазмун ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 80 йиллигини муносиб нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Орипов) бир ой мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

2021 йил март ойининг учинчи ўн кунлигида Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида Абдулла Орипов хотирасига бағишланган тантанали адабий-бадий хотира кечасини ўтказиш;

(Давоми 2-бетда).

## ДУНЁ НИГОҲИ



### «ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИНГ ЭРКИНЛАШТИРИЛИШИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЭШИГИНИ ОЧМОҚДА»

“Emerging Europe” мустақил ахборот-таҳлилий порталида (Буюк Британия) эълон қилинган мақола шундай номланган.

“2016 йилга қадар Ўзбекистон кўлаб хорижий инвесторлар учун ёпиқ мамлакат эди. Сўнгги йилларда янги раҳбарият бошлаган бозор иқтисодиёти йўлидаги ислохотлар доирасида республика чет эллик шериклар билан турли соҳаларда, шу жумладан, энергетика тармоғида ҳамкорликни кенгайтирмоқда”, дейилади мақола муқаддимасида.

Муаллиф Никола Дордевичнинг ёзишича, бугунги кунда Ўзбекистон энергетика тизими мамлакат тарихидаги энг катта ва жиддий трансформацияни бошдан кечирмоқда. Соҳадаги ўзгаришлар хорижий сармоядорларни жалб қилиш, давлат-хусусий шериклигини жорий этиш, шафтофолликни ошириш, тармоқда илгор инновацион технологияларни ривожлантиришга қаратилган.

2

## ИЛМСИЗ ҲЕЧ БИР ИШ НАТИЖА БЕРМАЙДИ

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.  
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан.

### 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш Бош қомусимизнинг асосий принципи ҳисобланади. Жумладан, унда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур модда халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам мос келади.

Мамлакатимизда умумий мажбурий бепул таълимнинг жорий қилиниши, ўқишни турмуш билан, ишлаб чиқариш билан узвий ҳолда олиб бориш асосида ўрта махсус, профессионал, олий таълим тизимининг йўлга қўйилгани фуқароларнинг илм олиш ҳуқуқини тўлиқ кафолатлапти.

Президентимиз деярли бар-

ча учрашув ва ййгилишларда ёшларнинг билим олиш ҳуқуқини таъминлаш, илм-фанни ривожлантиришга устувор масалалардан бири сифатида эътибор қаратиб, эртанги кунимиз замонавий ҳамда интеллектуал кадрларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлайди. Бу бежиз эмас. Зеро, бу борадаги ишлар самарадорлигига,

қолаверса, таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барчамиз масъулмиз аслида.

Ҳақиқатан ҳам, ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар, аввало, таълим тизимидан, таълим муассасаларидан, тарбия масаласидан бошланганини кўралик. Чунки мактабни, таълим-тарбияни тартибга солимай туриб шахсни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Илмсиз ҳеч бир соҳада натижа бўлмайди.

Кейинги уч йилда таълим ва илм-фан соҳасидаги муаммо-

ларни самарали ҳал этиш, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айни шу мақсадда охириги йилларда қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, соҳа ривожини устувор ҳолатга келтириш мақсадида:

Мактабгача таълим, умумий таълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгиланиб бормоқда. Анча йиллардан буён қўрилган — “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги тахририда қабул қилинган бу борада жуда катта янгилик бўлди.

2

## Бунёдкорлик

# Янги Ўзбекистоннинг Янги Сирдарёси



Сирдарё Мирза воҳасида ястаниб оқади. Бугун бу табиий ҳаракатга уйғун равишда Сирдарё вилоятида ҳам кенг кўламли узлуксиз яратувчанлик оқими, тўлқин мисол олға интилиш, дарё суви сингари мунтазам янгиланиш кузатилади.

Шу боис сўнгги йилларда амалга оширилаётган улуғвор ўзгаришлар туфайли жонажон Ватанимиз ўзимизда ҳам, хорижда ҳам ҳақли равишда “Янги Ўзбекистон” деб аталаётгани баробарида, Мирза воҳасига ҳам “Янги Сирдарё” дея таъриф берилляпти...

4

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли адиб ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ижодий меросининг ёш авлоди Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини инобатга олиб, адиб таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий эстрада санъатимиз асосчиларидан бири, замонавий ўзбек маданиятини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, ижодий ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган буюк санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ижодий меросининг ёш авлоди Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композииторлари ва бастакорлари уюшмаси, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бадий академия, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И
ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ВА ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Абдулла Ориповнинг ўзбек тилидаги икки жилдик "Танланган асарлар"ини, қорақалпоқ, рус, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган шеърини тўпламларини, шунингдек, "Абдулла Орипов замондошлари хотирасида" китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига "Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни" мавзусида халқаро илмий-назарий конференция ўтказиш ҳамда анжуман материалларини алоҳида тўплам ҳолида чоп этиш;

Тошкент вилояти Қибрай тумани Арғин маҳалласидаги Абдулла Орипов яшаган хонадонда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

мамлакатимиз театрларида Абдулла Орипов асарлари асосида спектакллар сахналаштириш;

умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишланган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" мавзусида иншоолар танловларини ўтказиш;

Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ижод мактабидида ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида "Митти юлдуз жилолари" шеърят беллашувини ўтказиш;

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиллар хибонада таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида Абдулла Орипов ижодига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари, китобхонлик ва шеърят кечалари ташкил этиш.

Ташкилий қўмидага Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвია этилсин.

Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 2 декабрь

3. Ташкилий қўмида (А.Арипов) бир ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқласин;

2021 йил август ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий хотира кечасини ўтказиш;

адибнинг ўзбек тилидаги "Танланган асарлар"ини, қорақалпоқ, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган асарларини, шунингдек, "Ўткир Ҳошимов замондошлари хотирасида" китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига "Замонавий ўзбек адабиёти ривожидида Ўткир Ҳошимов ижодининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказиш;

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Дўмбиробод маҳалласидаги адиб яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Ўткир Ҳошимовнинг асарлари асосида спектакллар сахналаштириш ва янги фильмлар яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ташкилий қўмида (А.Арипов) бир ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқласин;

2021 йил декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигига бағишланган хотира кечасини ўтказиш;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада олий мактабини ташкил этиш, у ерда хонанда хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуасини ва музейини барпо этиш;

Бадиий академия томонидан Ботир Зокиров ҳайкалинини яратиш бўйича танлов эълон қилиш ва уни Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда ўрнатиш;

Ботир Зокиров яшаган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 3-уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага Ботир Зокиров номини бериш;

Ўзбекистон давлат филармониясининг Миллий эстрада-симфоник оркестри билан Ботир Зокиров номидаги эстрада оркестрини бириктириб, Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада-симфоник оркестрини ташкил этиш;

Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Ўткир Ҳошимов номини бериш;

республика ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида "Ўткир Ҳошимов асарларининг билимдонлари" танловини ўтказиш; мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида адиб асарлари асосида иншоолар танловларини ўтказиш;

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиллар хибонада таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида Ўткир Ҳошимов ижодига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда китобхонлик кечаларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканалларида Ўткир Ҳошимов асарлари асосида яратилган телевизион фильмларни кенг намойиш этиш.

Ташкилий қўмидага Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвია этилсин.

Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 2 декабрь

Ботир Зокиров номидаги жамоат фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси иштирокида "Ботир Зокиров замондошлари хотирасида" номли китобни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Ботир Зокиров ижодига мансуб тасвирий санъат намуналари ҳамда адабий асарлардан иборат китоб-альбомни ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида нашр этиш;

Ботир Зокиров номидаги замонавий эстрада қўшиқчилари танловини юқори савияда ўтказиш;

Ботир Зокировнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида янги ҳужжатли фильм яратиш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали Ботир Зокиров ва Зокировлар ижодий сулоласи ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларни намойиш этиш;

республика театрларида Ботир Зокиров ҳаёти ва фаолиятига бағишланган спектакллар сахналаштириш;

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ботир Зокиров ижодий меросининг миллий санъатимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида илмий конференция ўтказиш ва анжуман материалларини тўплам ҳолида чоп этиш;

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ва маҳаллаларда таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида Ботир Зокиров ижодига бағишланган учрашувлар ва ижодий кечалар ташкил этиш.

Ташкилий қўмидага Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвია этилсин.

Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 2 декабрь

МАКТАБЛАРДА «ТАРБИЯ» ФАНИНИ ЎҚИТИШ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН?

Депутатларнинг саволларига халқ таълими вазири жавоб берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги "Хукумат соати" бўлиб ўтди. Унда депутатлар "Умумтаълим мактабларида ватанпарвар авлодини тарбиялаш, янги жорий этилган "Тарбия" фани ўқитилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида"ги масалани муҳокама қилдилар.

Халқ вакилларининг ушбу масала юзасидан саволларига халқ таълими вазири Шерзод Шерматов жавоб берди.

Хукумат соати

Вазирнинг таъкидлашича, мамлакатимизда халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш борасида тизимли ишлар олиб бориладиган.

Хусусан, мактабларда маънавий-тарбиявий ишлар янгича асосда ташкил этилиб, "Миллий ғоя", "Одбоннома", "Динлар тарихи", "Ватан туйғуси" каби фанлар асосида ягона "Тарбия" фани жорий қилинди. 2020/2021 ўқув йилидан 1 — 9-синфларда ўқитиш йўлга қўйилди. 10-11-синфларда эса мазкур фан 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб жорий этилади.

Депутатлар "Тарбия" фанини ўқитиш учун ажратилган дарс соатлари ҳамда дарсликлар масаласи билан қизиқдилар.

Жавобда қайд этилганидек, умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарбия" фани 1 — 9-синфларда ҳафтага 1 соатдан, ўқув йили давомида эса 34 соат ўқитилади. Шунингдек, ўқитувчилар учун "Тарбия" фани бўйича дарсларни ташкил қилиш юзасидан замонавий ёндашувлар ўрин олган услубий қўлланма ишлаб чиқилди. "Тарбия" фанини ўқитиш технологияси" номли қўлланма нашрга тайёрланди. "Тарбия" фани бўйича ўқув-услубий таъминотнинг ахборот платформасини яратиш мақсадида интернет тармоғининг www.tarbiyam.uz доменидида фанга доир маълумотлар ва вазифалари баён этилган ўқитувчига услубий ёрдам кўрсатувчи маълумотлар базаси яратилди. Бу платформада ўқитувчилар учун "Тарбия" фанининг мақсад-вазифаларини очиб берувчи метабейр-ҳужуқий ҳуж-

жатлар — фан концепцияси, Давлат таълими стандартлари, ўқув дастури, услубий тавсиялар, таквим-режалар, фанини ўқитишга доир технологиялар, дарс ишланмалари, қўшимча манбалар жойлаштирилмоқда. Шунингдек, платформада ўқувчилар ва ота-оналар учун махсус рунлар ҳам мавжуд. "Тарбия" фанининг 1 — 9-синфларга мўлжалланган дарсликларини яратишди. Ушбу дарсликлардаги янги мавзуларга оид 21 видео ролик тайёрланди ва дарсликларга QR-код қилиб киритилди.

Мазкур дарсликларда ёшларни фидо қилишга ўргатадиган, уларни миллий қадриятларимизга содиқ, ватанпарвар этиб тарбиялашга хизмат қиладиган замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишга қай даражада эътибор қаратилмоқда? Халқ вакиллари "Хукумат соати"да ушбу саволни ҳам ўртага ташладилар.

Вазир жавобига кўра, "Тарбия" фанининг ўқув дастури ва дарсликларидида ватанпарварлик, тадбиркорлик, иродалик, мафкуравий иммунитет, меҳр-қўбиллиги, масъулиятлилиқ, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби қўшимчаларни шакллантиришга урғу берилган.

Хусусан, бунда миллий аънаванлар, улғу алломаларнинг асарлари, замондош

қаҳрамонларнинг фаолияти ибрат қилиб кўрсатилади. Мавзуларни ўқитишда бугун жажон мисолида оммалашган "Лойиқа асосида ўқитиш", "Қизиқилар асосида таълим бериш", "Арт-фест" ("Art Fest"), "Намуна кўрсатиш" ("Role Model"), "Мисоллар орқали ўқитиш" ("Keys Study"), "Вазиятларни таҳлил қилиш" каби таълим беришнинг илгор технология ва услубларидан фойдаланилган.

"Хукумат соати"да депутатлар таълим муассасаларида ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бадантарбия машғулотларини қундалик турмуш тарзига сингдириш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишини таъминлаш, соғлом ва тўғри овқатланишни тарғиб этиш борасида амалга ошириладиган ишлар бўйича ҳам савол бердилар.

Қайд этилганидек, халқ таълими тизимидидаги 10 миң 8 та умумий ўрта таълим муассасасида 6 миллион 236 миң ўқувчи таҳсил олади. Бугунги кун ўқувчиларини хар томонлама етук ва баркамол бўлиб ўлгайишларини назарда тутиб, вазирликда соғлом овқатланишни ташкил этиш ва тиббий хизмат кўрсатишини мувофиқлаштириш шубҳаси ташкил этилган. Шуъба томонидан умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг соғлом овқатланишини ташкил

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИНГ ЭРКИНЛАШТИРИЛИШИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧМОҚДА»

2016 йилдан буён бошланган ислохотлар самараси ўлароқ энергетика жабҳасида либераллашув жараёнида кузатилаётган, дея таъкидлайди журналист. Энергия ресурслари билан улгуржи ва чакана савдо қилиш бозори шаклланимоқда.

"Хусусийлаштириш ҳам ҳукуматнинг диққат марказида турибди: 60 дан ортиқ йирик саноат корхоналари ва 40 дан зиёд компаниялардаги давлат улушининг сотилиши хорижий инвесторлар учун хушхабар бўлди. Хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш ва иқтисодийнинг эркинлаштириш орқали Ўзбекистон 34 миллионлик аҳолиси, айниқса, ёшлар учун муносиб ҳаёт, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш учун янги имкониятлар яратмоқда".

Н. Доревчининг фикрича, Ўзбекистон хорижий сармоядорларга нисбатан янги ёндашувларни қўлламоқда. Жумладан, чет эллик ҳамкорлар билан маъмулотни бўлиши ҳақидаги келишувларни имзолашга рухсат берилиши қўлтилади. Бу орқали мақолада қайд этилишича, хусусий инвесторлар мамлакат энергетика бозорига кириб келиши учун шароит яратилади. Асосийси, хорижий тадбиркорлар мамлакатдаги ўзгаришлар "косметик" хусусиятга эга эмас, балки реал характер касб этаётганига гувоҳ бўлмоқда.

Материалда Ўзбекистонда энергетика инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича олиб бориладиган чора-тадбирларга юксак баҳо берилган. Жумладан, энергияни етказиб бериш ҳамда тақсимлаш тизимларини замонавий стандартлар асосида таъмирлаш орқали тармоқ самарадорлиги орттириш эътироф этилади.

Соҳа мутахассисларининг фикрларига таянган ҳолда, шарҳлаб Ўзбекистон энергетика тармоғидаги режаларни ҳаётга таъбиқ қилиш учун яхши имкониятга эгаллигига қатъий ишонч билдиради. Хусусан, материалда "ACWA Power" компанияси вице-президенти Том Теерлинкнинг қўйидаги мулоҳазалари келтирилади:

"Ўзбекистон жуда жадал, жуда очик мамлакатга айланиб, қатор соҳаларда, жумладан, энергетика соҳасидаги тезкор ва таъсирчан ислохотлар туфайли тобора барқарор инвестиция муҳитини тақлиф этмоқда. Мамлакат инвесторларни қизиқтирадиган барча масалаларни муваффақиятли ҳал қилиб, сиёсий барқарорлик, қонун устуворлиги ва қўлай сармоявий муҳитни таъминлаёттир".

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ИЛМСИЗ ҲЕЧ БИР ИШ НАТИЖА БЕРМАЙДИ

Айниқса, олий таълим ва профессионал таълим тизими тубдан ислох қилиниши фўқароларнинг ўрта махсус, профессионал таълим олишларига халқаро даражада мутахассис бўлиб этишларини учун имконият яратиб берди. Олий таълим муассасалари сонининг ошиши, янги турдаги профессионал таълим муассасаларининг ташкил этилиши ўз самараларини беради, албатта.

Таълим ҳақида гапирганда, албатта, улғу алломаларимиз, ардоқли адибларимиз номи берилган иқтидорли болалар мактаблари, ижод мактаблари, шунингдек,

"Темурбеклар мактаби", Президент мактаблари ва бошқа замонавий намунадаги таълим муассасалари ташкил этилганини фахр билан тилга олиш ўринлидир. Негаки, мутлақо янгича ёндашув асосида фаолият юритаётган ушбу зиё масканлари фарзандларимиз ҳаётида янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Мен 33 йилдан ортиқ вақт давомида таълим соҳасида фаолият юритиб келаяман. Ва шуни ишонч билан айта оламнки, илм-фанга, таълимга, устозу мураббийларга, ўқитувчиларга бериладиган эътибор ҳар қачонгидан-да юқори. Ўқитувчи-педагоглар учун яратилган им-

кониятлар, уларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётгани жамиятда ўқитувчилар касбига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди, десам, хато бўлмайди. Ўқитувчининг ижтимоий ҳимояси бугун қонун даражасида ўз ақсини топди.

Адлига вазирлиги ва манфаатдор вазирликлар томонидан ишлаб чиқилган "Педагог ходимларнинг мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бугун жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Айтиш жоиз, ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ қилиниши таълим тизимидида катта воқелик бўлиши, шубҳасиз.



Раъно ТУРДИБЕКОВА, Тошкент давлат аграр университети проректори.

# ЎЗГАРИШЛАР ЯХШИ, АММО МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ҲАМ ОЗ ЭМАС

**“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун келгуси йил 15 январдан кучга киради.**

**Қонун асосида ногиронлиги бўлган шахсларни энг кўп қийнаб келаятган масала — тиббий текширув комиссиялари фаолияти такомиллашди, муурожаат қилувчи 10 календарь кунда ҳулосани олади.**

## Фракцияда

Тиббий текширувлар бепул амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган шахслар амбулатор ва стационар тартибда имтиёзли даволанади, протез-ортопедия анжомлари билан таъминланади. Биноларга қириб-чиқиш учун махсус йўлакчалар, пандуслар, жамоат транспортларида махсус ўриндиқлар жойлаштирилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси, партия Марказий кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда

3 декабрь — Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳусусида сўз юритилди.

Видеомулқот шаклида ташкил этилган тadbирда таъкидланганидек, юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳаёт сифатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш, таълим олиш ва ишга жойлашиш масалаларида уларга ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича бутунлай

янги тизим жорий қилинмоқда.

Жумладан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентлар қабулининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квоталар қўлланилди. Натижада жорий ўқув йилида 3 мингга яқин ногиронлиги бўлган ёшлар олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Якка тартибдаги тadbиркорлик билан шуғулланувчи I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ҳодим сифатида ёллаган якка тартибдаги тadbиркорларга қатъий белгиланган соликнинг имтиёзли ставкаси қўлланилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ихтисослаштирилган идора ва Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган.

Амалга оширилаётган ўзгаришларга қарамай, ногиронлиги бўлган шахсларни уйлантириб келаятган муаммолар масалалар ҳам оз эмас. Ўзбекистон Ногиронлар, Қўзи ожизлар ва Карлар жамиятлари аъзолари, Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси масъуллари, партия фаоллари, депутатлар томонидан бу борада аниқ тахлилий мисоллар келтирилди.

Чунончи, ногиронлиги бўлган шахсларга белгиланган тиббий хизматлар жойларда вақтида кўрсатилмаётгани, протез-ортопедия воситалари етишмаслиги, жамоат транспортларида пандуслар, алоҳида жойлар билан жиҳозланмагани, бекатлар ва маршрутларда эшитирувчи, электрон маълумотлар таблолари каби махсус воситаларнинг йўқлиги билан боғлиқ муаммолар муҳокма этилди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари партия Сайловолди дастурида

белгилаб олинган “Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги халқаро конвенцияни босқичма-босқич ратификация қилиш масаласини жадаллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Тadbир иштирокчилари, бу борада аввало, халқ таълими, транспорт ва йўл инфратузилмаси, архитектура ва қурилиш, соғлиқни сақлаш, бандлик ва бошқа турли соҳаларда қўлай шароитлар яратишга оид қатор масалаларга эътиборни қўнайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Давра суҳбатида, шунингдек, Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан юртимизда шу йилнинг 30 ноябрдан 30 декабрга қадар ўтказилиши белгиланган “Меҳр-қурувват ойлиги”да партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлик бирлашмалари фаол иштирок этаётганига уру берилди. Қайд этилганидек, ойлик давомида республика бўйича ногиронлиги бўлган кишилар яшайдиган 2 мингта оила ҳолидан хабар олинади, Саховат ва Мурувват уйларида учрашув ва хайрия тadbирлари ўтказилади.

**Зиёда АШУРОВА**  
(«Халқ сўзи»).

# ЁШЛАРНИ СИЁСИЙ ФАОЛ ҚАТЛАМГА АЙЛАНТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида қуйи палата ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларининг республика форуми бўлиб ўтди.

## Форум

Форум доирасида депутатлар, давлат ва жамоат арбоблари иштирокидаги учрашувлар, Ёшлар парламенти аъзоларининг ялпи мажлиси ҳамда истиқболдаги режаларга бағишланган муҳокамалар ўтказилди. Шунингдек, ёшлар учун маданий-кўнгилчор тadbирлар, пойтахтнинг диққатга сазо-

вор жойларига саёхатлар уюштирилди. — Шу кунга қадар парламент доирасидаги қўллаб-қувватлаш асосан онлайн платформалар орқали амалга ошириляётганидир, — дейди Ёшлар парламенти аъзоси Мухлиса Орифжонова. — Ушбу форум эса бизга бир-биримиз билан бевосита мулоқотда бўлиш,

ўзаро фикр алмашши, депутатларга ўзимизни қийнаётган, қизиқтирган савол ёки масалалар юзасидан муурожаат этиш ҳамда мамлакатимизда амалга ошириляётган энг сўнгги янгиликларни илм ахли, мутахассислар билан муҳокама қилишга имконият яратди. Ёшлар парламенти таъбир жоиз бўлса, бир хил қолибдиган эмас, балки дунёқарашни, фикрлаши янгича, креатив, интуитивчан, ҳар қандай муаммага ўз ечимини тақлиф қила оладиган, дунёқараш кенг ёшларни шакллантиришда замин бўлади, деб ишонамиз. Бундай форумлар қаровнинг кенгайтирилиши мамлакат келажаги саналимиш

ёшларнинг салоҳиятини ошириш, жамиятда уларни сиёсий фаол қатламга айлантириб, кўнунчилик ва қўнунларни ишлаб чиқиш жараёнига жалб қилиш, янги гоьларни қўллаб-қувватлаш, эртамиз эгаларининг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тadbир якунида форум қатнашчиларига сертификатлар, Ёшлар парламентининг махсус қўлланма-китобчаси, аъзоланик тасдиқловчи ID-карталар топширилди.

**Дилрўх ИСОМИДДИНОВА**  
(«Халқ сўзи»).

## Олий Мажлис Сенатида

# ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ КОМИССИЯНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясининг видеоконференцалоқа шаклида мажлиси бўлиб ўтди. Унда мажлис комиссия аъзолари ҳамда Бош прокуратура ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тadbирда дастлаб ташкилий, яъни комиссия раисини ҳамда унинг ўринбосарини сайлаш масалалари кўриб чиқилди. Шундан сўнг комиссиянинг Низомини тасдиқлаш ва уни кейинчалик Сенат Кенгаши тасдиғига киритиш масаласи муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бу Низом билан комиссияга прокуратура органлари томонидан қўнун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилишининг самарадорлиғи устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солиб турувчи қўнун ҳужжатларини, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва иш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш каби вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, ушбу тuzилим ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда бир қатор ваколатларга ҳам эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслардан ҳужжат ва эксперт ҳулосаларини, қолаверса, умумлаштирилган, тахлилий, статистик ва бошқа маълумотларни сўраб олиш, прокуратура органлари мансабдор шахсларга парламент сўровини юбориш тўғрисида тақлифлар киритиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, мажлисда комиссиянинг 2021 йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш белгилаб олинди.

Яқунда комиссиянинг биринчи ташкилий мажлиси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# ЖИНОЯТЛАРНИ «ИЗИ СОВИМАСДАН» ФОШ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Геном бўйича давлат рўйхати олиш тўғрисида”ги Қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида катта аҳамиятга эга. Аваллари юртимизда геном ахборотини олиш, тўплаш ҳамда ундан фойдаланиш соҳаси қўнунчилигида бўшлиқ бор эди. Қўнуннинг асосий мақсади — ушбу бўшлиқни тўлдиршдан иборат.

## Янги Қонун

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб бориляётган ислохотлар қўнун устуворлигини таъминлаш билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдин олиниши, уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шароитларни бартаф қилиш, шунингдек, содир этилган жиноятларни “изи совимасдан” фош этишда фойдаланиладиган илмий-техник усул ва воситаларни модернизация қилишни талаб этмоқда.

Қўнунда геном ахбороти маълумотлар базаси ёрдамида жиноятларни фош этишда соҳага замонавий усул ва технологияларни жорий этиш масаласи ҳам қамраб олинди. Бу эса жиноятчиликка қарши курашишда самарали усул ҳисобланади.

Шу ўринда савол туғилади. Ҳўш, бундай Қонун хорижий амалиётда ҳам мавжудми?

Албатта, чет эл тажрибаси жиноятчилик билан курашишда геном ахбороти маълумотлар базаси ёрдамида жиноятларни фош қилиш мумкин. Яъни ушбу фаолият ягона маълумотлар базасидаги геномга оид ахборотдан фойдаланиш орқали одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва биологик қариндошликни аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Оддий айтганда, бирон-бир шахс жиноятни амалга ошириш учун қанчалик пухта режа қилмасин, содир бўлган воқеа жойида ўзи хохламаган ёки билмаган ҳолда биологик материалларни қолдиради. Яъни воқеа жойида қон доғи, соч толаси, сула-

тон Республикаси тажрибасида геном бўйича давлат рўйхати олишга оид алоҳида қўнунлар қабул қилинган. Уларнинг ижобий тажрибасидан шундай ҳулосага келиш мумкинки, ҳужжат билан геном бўйича давлат рўйхати олиш соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинади.

Ўз навбатида, “геном бўйича давлат рўйхати олиш” тушунчасининг маъносига ҳам батафсил тўхталиб ўтиш жоиз. Геном бўйича давлат рўйхати олиш дейилганда, ваколатли органлар ва муассасалар томонидан биологик материални ва геномга оид ахборотни йиғиш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдирш, ундан фойдаланиш ҳамда уни йўқ қилиш ва муҳофазалаш бўйича амалга ошириладиган фаолият тушунади.

Яъни ушбу фаолият ягона маълумотлар базасидаги геномга оид ахборотдан фойдаланиш орқали одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва биологик қариндошликни аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Оддий айтганда, бирон-бир шахс жиноятни амалга ошириш учун қанчалик пухта режа қилмасин, содир бўлган воқеа жойида ўзи хохламаган ёки билмаган ҳолда биологик материалларни қолдиради. Яъни воқеа жойида қон доғи, соч толаси, сула-

га, тер доғи ва ҳоказолар қолади. Қўнун билан шахснинг геном маълумотларидан жиноятларни тезкорлик билан фош этишда фойдаланилади. Бундан ташқари, бедарак йўқолган шахсларни топшиш ҳам бундай маълумотлар жуда зарур.

Геномга оид ахборотлар ихтиёрий ёки мажбурий равишда давлат рўйхатига олинади. Ихтиёрий равишда Ўзбекистон фуқаролари, юртимизда яшяётган ёки вақтинча яшаб турган чет эл фуқаролари, фуқаролриги бўлмаган шахслар давлат рўйхатига олинади.

Бедарак йўқолган шахсларни қидиришга кўмаклашиш мақсадида уларнинг биологик қариндошлари бепул асосда геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишдан ўтиши мумкин.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб этилган шахслар, жинсий эркинликка қарши жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олинади.

Умуман, Қонун билан геномга оид ахборотдан жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиниш ва тергов қилиш, шунингдек, уларни содир этган шахсларни фош қилиш ва аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Шу билан бирга, бедарак йўқолган шахсларни қидириш, таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш ёки биологик қариндошликни аниқлаш ҳам мумкин бўлади.

Маъзур Қонун 2023 йилдан бошлаб кучга киради.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**  
**Олий Мажлис Сенати Мудофиа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

## Мулоҳаза

**Инфляция даражасининг олдини олиш ҳамда нарх-наво кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик барча замонда, хусусан, ҳозирги даврда нихоятда долзарб аҳамиятга эга. Шу боис кейинги йилларда юртимизда мазкур йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилаётганини айтиш ўринлидир.**

# ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРЯПТИ?

Бу борада, айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Инфляцион таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжат билан мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, иктисодиётни тартибга солиш механизм ва инструментларини қўллашни кенгайтириш, пул-кредит сиёсати самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимида ўтказишни таъминлаш назарда тутилган.

Шунингдек, Фармонда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий тамойиллари белгиланган. Инфляциянинг доимий амал қилаядиган мақсадини белгилаш ва уни жамоатчиликка етказиш, пул бозоридидаги фоиз ставкаларини тартибга солиш ва инфляцион жараёнларни бошқариш мақсадида пул-кредит сиёсатининг кенг қамровли инструментларини қўллаш, пул-кредит сиёсати бўйича объектив қарорлар қабул қилиш мақсадида ички ва ташқи бозорларда мавжуд очик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, батафсил макроиктисодий тахлил ва прогнозларни амалга ошириш, пул-кредит сиёсати мақсадларини кенг жамоатчиликка етказиш, макроиктисодий ҳолатнинг олдиндан кўра билинишни таъминлаш ва бозор иштирокчилари ишончини шакллантириш мақсадида Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини такомиллаштириш ана шулар жумласидандир.

Ҳўш, ўтган даврда бу вазифалар қандай бажарилди?

Аввало, шу мақсадга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банкнинг инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари концепцияси ҳамда 2020 йилда инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланганини айтиш зарур.

Шулар асосида Марказий банк жорий йилдан инфляцион таргетлаш режимида фаол ўтишни бошлади. Бунда асосий эътибор доимий мақсадли таргет сифатида 2023 йилда инфляциянинг 5 фоизлик даражасига эришишга қаратилган. Бу шунчаки йўлаб топилгани йўқ, аксинча, бу борада яшиш натижага эришган давлатлар тажрибаси асос қилиб олинди.

Шу ўринда ҳозирги пандемия шароити ва глобал ўсиш суръатларининг пасайиши ялпи ички маҳсулот ҳажмига, инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индексига салбий таъсир кўрсатаётганини ҳам

эътибордан қочирмаслик керак. Лекин шунга қарамай, Марказий банкнинг инфляция даражаси 2023 йил охирида 5 фоизлик таргет доирасида бўлиши кўтилмоқда. Ҳар ҳолда дастлабки ҳисоб-китоблар шундан далоят бериб турибди.

Ўз-ўзидан савол туғиладики, Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлиги бўлган давлатларда бу кўрсаткич неча фоизни ташкил қилади? Масалан, бу кўрсаткич Россияда 4, Хитойда 3,5, Қозоғистонда 4 — 6 ва Қирғизистонда 5 — 7 фоизни ташкил этади.

Бундай шароитда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорда рақобатдошлигини сақлаб қолиш вазифаси ички нархларнинг Ўзбекистон билан савдо айланмасини амалга оширадиган давлатлардаги инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини талаб этиши ҳам ўз-ўзидан тушунарли. Шу сабабли инфляцион таргет нисбатан юқорикўра кўрсаткичда белгиленган, ички бозорда нархлар ўсиши сақланиб қолади ҳамда маҳаллий корхоналар мажсулотлари нархи нисбатан юқори бўлади.

Албатта, мамлакатлардаги инфляция даражаси ўртасидаги тафовут импорт товарлари нархига таъсир кўрсатиб, бундай волатларга эҳтиёж ҳамда хорижий валютага бўлган талаб ошишига олиб келади. Бу эса валютамизга нисбатан девальвация босим юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Инфляция таргетининг 5 фоиздан юқори белгиланиши айрим товарлар нархи таргетдан юқори суръатда ўсиши ва бунинг оқибатида ушбу товарлар учун аҳолининг харид қобилияти пасайишига олиб келади. Бу эса аҳоли ва тadbиркорлик субъектларининг инфляцион сезилма ва қўлималари юқори даражада шаклланишига сабаб бўлади.

Шунингдек, инфляция кўрсаткичи юқори бўлиши миллий валютага бўлган ишонч пасайишига туртки беради. Бунда миллий валютадаги жамғармалар камайиб, иктисодиётда долларлашув кучаяди. Натижада иктисодиётда узоқ муддатли ресурсларнинг тақчиллиги ортади, мавжуд пул ва капитал ресурсларининг но-ўғли тақсимланиши юзага келади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, мазкур масала жиддий ёндашуви талаб этади. Шу боис ҳам Олий Мажлис Сенати томонидан ушбу йўналишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Табиийки, бу масала кейинги фаолиятимизда ҳам асосий йўналишлардан бири бўлиб қолади. Zero, инфляция таргети 5 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш ҳам биз олдимизга вазифа қилиб қўйган — халқимизни рози қилиш мақсадидага ҳамоҳанг.

**Эркин ГАДОВЕВ,**  
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иктисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.**

# ПРОПИСКА ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ — ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Мамлакатимизда амалга ошириляётган туб ислохотлар жараёни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олди. Айниқса, узоқ вақтдан буйн фуқаролик ҳуқуқига оид тўпланиб қолган кўп масалалар ҳуқуқий ислохотлар билан ўз ечимини топмоқда. Ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бир қатор қўнун ва фармонлар қабул қилинган эътиборга молик.

## Нуқта назар

Жумладан, янги тахрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун билан мамлакатимиз ҳудудида доимий истиқомат қилаядиган фуқаролиги бўлмаган 50 мингга яқин шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олишига имконият яратилди. Бу борадаги масалаларни кўриб чиқишда идоралараро электрон ҳамкорлик механизмининг амал қилиши белгилаб берилди. Шунингдек, соҳадаги ўзгаришлар жорий йилда қабул қилинган “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонунда ўз ифодасини топди.

Президентимизнинг “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибининг ислох қилиш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Фармони билан кенг жамоатчилик фикрларини инобатга олган ҳолда рўхсат бериш ҳусусиятига эга бўлган доимий прописка қилиш тизимидан босқичма-босқич хабар бериш ҳусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди.

Қўнунчиликка киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар билан “прописка” сўзи маънавий эскирганлиги ва ушбу атама

фуқаролар онгида “тўқсизлик қилувчи”, “эркинликни чекловчи” деган тушунарларни келтириб чиқараётганилиги муносабати билан “доимий прописка” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзларига алмаштирилди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкка эга бўлиш учун бу ҳудудларда доимий рўйхатга бўлиш талаби бекор бўлди.

Қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида фуқароларга нафақат биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари яшаб турган манзилга, балки уларнинг эгаллигида бўлган уй-жой майдонига ҳам доимий рўйхатга туриш имконияти яратилди. Яъни бошқа вилоятда доимий рўйхатда бўлган фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан кўчмас мулк сотиб олгандан кейин, аввало, ўзи шу манзилга доимий рўйхатга ўтади. Сўнгра оиласи (турмуш ўртоғи, фарзандларини, агар хоҳласа, ота-онаси, бобо-бувиси ҳамда набираларини) ҳам доимий рўйхатга ўтказиши мумкин бўлди.

Эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарти ва бир йил ичнда никоҳ бекор қилинган тақдирда пропискани йўқотиш бўйича қондалар бекор қилинди.

Оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар уларнинг тутинган ота-онасининг

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш имконига эга бўлди.

Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар ҳамда уларнинг оила аъзолари белгиланган тартибда доимий прописка қилингандан сўнг улар бошқа ишга ўтиши ёки лавозимдан озод этилиши яшаш жойи бўйича доимий рўйхатдан чиқарилишига оид қоида бекор қилинди.

Илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар — доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ҳамда Тошкент вилоятига қайтиб келганда ҳеч қандай тўсқинларсиз доимий яшаш жойи бўйича қайта рўйхатга олинади. Яъни олдин амалда бўлган тартиб бўйича аввалги яшаган манзилга фақатгина давлат йўлланмаси билан ишга юборилган, ўқиш учун кетган, жазони ижро этиш муассасасидан озодликка чиқиб қайтиб келган фуқароларгина, агар шу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этсалар, яна қайтадан доимий рўйхатга олинган. Эндиликда ҳар қандай шахс Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан маълум сабабларга кўра ёки ўзининг хоҳишига кўра рўйхатдан чиқиб кетса ҳам, хоҳлаган пайтда яна қайтиб, тегишинча Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида доимий рўйхатга туриши м

# Янги Ўзбекистоннинг янги сирдарёси



**Ободлик — юксалиш пойдевори, ривожланиш кўзгуси**

Яқинда оммавий ахборот воситаларида хабар тарқалди: Гулистонда 21 қаватли бино қурилар экан, деган. Бу ҳақиқат. Ушбу бино айти пайтда қурилишига ҳозирлик қўрилаган "Guliston Business City" лойиҳаси доирасида бунёд этилади. Яқингача тўрт қаватдан юқори иморати бўлмаган шаҳар учун бу катта янгилик, албатта. Аммо сўнгги йилларда вилоят марказида бир эмас, ўнлаб беш ва етти қаватли бинолар бунёд қилиндики, Гулистон ҳар жиҳатдан маҳобатли тусга киратири ва бу ўзгариш шиддатли равишда давом этмоқда.

Масалан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириликлари ҳамда "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида жорий йилнинг 15 май кунинда бошлаб Сирдарё вилоятидаги имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни "Устоз — шогирд" аъёнлари асосида хунармандчиликка ўрғатиш мақсадида "UZ.Hunarmand — Ta'lim" лойиҳаси амалга оширилди. Гулистон туманида ана шу лойиҳа доирасида тадбиркорлар томонидан иккита ишлаб чиқариш субъекти ташкил этилди.

Сардоба туманида "Oqsaqo group"нинг "Сардоба Оксаро текстиль" корхонаси иш бошлаши туфайли чекка қишлоқлар хотин-қизлари учун бир неча юзлаб иш ўрни яратилди.

Давлатимиз томонидан яратилган қулайликлар туфайли бир эмас, вилоятдаги заводларимизнинг барчасида ўсиш ва ривожланиш бардавом, — дейди "Ванг Да гроуп" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси бош директори Гўзалхон Тожимирзаева.

Ободлик — юксалиш пойдевори, ривожланиш кўзгуси, — дейди меҳнат фахрийси, кекса журналист, "Шўхрат" медали соҳиби Элмурод Мавлонов. — Касбим тақозоси билан вилоятимизнинг деярли ҳар бир маҳалласи, кўчасида бўлганман. Ҳозир пенсиядаман. Шундай бўлса-да, шаҳару қишлоқларимизни айланб тураман. Қай кунки, Сайхунободда бўлдим, рост, катта қурилишлар бўлиб, туман остонасидан марказигача бутунлай ўзгариб кетибди. Гулистоннинг-ку таърифига сўз ожиз.

Назаримда, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ёзиб қолдирган мана бу сатрлар унинг бугунги кўркамлигига ҳам берилган муносиб баҳо бўлади:

Бўлди. Негаки, энди ери, нима экса кўқарадиган экан майдонлари бор. Муҳими, эртанги кунига ишончи, умидлари мустаҳкам. Масалан, "Ҳамза Хуснобод боғлари" кооперативи ери бўлган 20 нафар ана шундай ёшни бирлаштирган.

Бу йил кооператив аъзолари дастлабки ҳосилни олиб, ички бозорни турли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришга ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшди. "Бу бир гектар фақат ўзимиз учун эмас, аҳоли турмуши равнақи учун ҳам хизмат қилапти. Агар ҳар биримиз еримиздан тонналаб ҳосил олсак, ҳисоблаб кўрайлик, у қанча минглаб одамларнинг ризқу насибаси бўлади. Демак, биз ёшларга яратилган бу имконият орқали халқимиз фаровонлигига ҳам ўз ҳиссамизни қўшамиз" дейишмоқда улар.



**“Бугун Шириндан то Сардобагача, Сирдарёдан Ховосгача, қаерга борманг, янги бинолар, дам олиш масканлари, корхона ёки навбатдаги лойиҳаларнинг амалга оширилаётганини кўрасиз. Ҳам ободлик, ҳам ривожланишни кўриб, беихтиёр “Обод, саришта юртдан барака аримайди”, деган гап ҳаёдан кечади.**

— Кейинги йилларда фаолияти йўлга қўйилган Сирдарё туманидаги заводимизда ҳам импорт ўрнини босувчи металл конструкциялар, титан кукуни, қувур ва профил сингари сифатли маҳсулотлар тайёрланапти. Ширин шаҳрида яна бир лойиҳамиз ҳадемай, фойдаланишга топширилади. Албатта, буларнинг ҳаммаси, шу азиз Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Хусусан, жорий йилнинг март-апрель ойлари давомида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 639 нафар ишсиз йигит-қизларга "Ҳар бир ёшга — бир гектар", "Ёшлар боғи", "Ёшлар кооперативлари" доирасида 0,20 сотихдан 1 гектаргача ер ажратиб берилди.

Яна шу йилдан эътиборан ғалладан бўшаган майдонларда "Ҳар бир ёшга — 50 сотих" лойиҳаси ҳам амалга оширилди.

Ҳар бир ёшга — бир гектар" лойиҳаси доирасида ақунлаётган йилда вилоят бўйича юзлаб йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

## Ҳаётдан розилик саодати

— Ҳар кун қўллаб одамлар билан учрашаман, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Боевўт тумани ҳокими Дилфуза Уролова. — Уларни эшитиб ечилмаган масалалари бўлса, албатта, ечимини топамиз. Эътиборлиму, учрашувларда одамлар фақат муаммо кўтариб қиқаётгани йўқ. Кимдир мурожаати ижобий халқ этилгани, халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилаётганидан, шу туфайли оғири енгил бўлганини айтса, бошқа бирови мурраккаб пандемия даврида ҳам халқимизга кўрсатилган гамхўрликлар, юртимизда амалга оширилган ислохотлардан шўқрона келтиради.

Шунингдек, ватандошларимиз шахсий эмас, балки умумманфаат учун фойдали бўлган қўллаб-қувватларни ҳам биздирмоқда. Бу юртимиз ахли қатори сирдарёликларнинг ҳам жонажон Ўзбекистонимиз, азиз халқимиз равнақи учун ўзларини ҳақдор, деб билаётганликларининг амалда ёрқин ифодаси, албатта.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар, хотин-қизлар ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя, муҳим даромад манбаи — томорқалларда ишни тизимли ташкил қилиш, ҳудудлар инфратузилмаси, таълим, тиббиёт сингари ижтимоий муассасалар фаолиятини янада яхшилаш, умуман, барча соҳада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Буни бугун ҳар бир сирдарёлик ўз турмушида ҳис қилиб яшайпти.

Бинобарин, Сирдарёда олиб борилаётган сайёҳаракатлардан кўзланган манзил ҳам аслида шу — халқни рози қилиш, одамларнинг эртанги эмас, бугунги ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлашдир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

## Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллиги

Мамлакатимизда буюк маърифатпарвар адиб, аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида ўтказилган тантанали адабий кеча ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ҳамда шоирлар, санъат ва маданият намояндalари, педагоглар, адабиётшунослар, ёш ижодкорлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

## МАЪРИФАТ МАШЪАЛАСИ

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан халқимизнинг миллий гурурини юксалтириш, маданияти, маънавиятини бойитиш, айниқса, ёшларнинг таълим ва илм-фанга рағбатини янада оширишнинг самарали воситаси сифатида жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Маҳмудхўжа Бехбудий халқимиз тарихининг мураккаб давларида маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улғуллома ва жамоат арбоби. У юртимизда биринчилар қатори усули жадид — янги таълим методига асосланган мактаблар очди. "Самарқанд" газетаси ва "Ойна" журналинини ташкил этиб, миллий журналистика ривожига таъмайл тошини қўйганлардан бири бўлди. Драма ва ҳикоялари, долзарб мавзулардаги мақолалари билан халқни дунё билан таништиришга, илм-маърифатли, инсоф-диёнати, замона билан ҳамнафас ва ҳамқадам қилишга интилди.

— Самарқандлик жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд "Маҳмудхўжа Бехбудий" сарлавҳали манусурасида "Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилик дaви тарихинда ёруғ бир чирод эди. Маҳмудхўжанинг нияти Туркистон тарихинда зийнатлик мумтоз ўрин олишга муносиб мирьотдир", деб улуғлаган, — дейди филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов. — Бехбудий ҳаёти ва ижоди билан узок-яқин хорж олимлари ҳам қизиқиб келади. Жумладан, жадидшунос немис олимаси, профессор Ингеборг Балдауф унга баҳо бериб айтдики, "Маҳмудхўжа Бехбудийни ўрта Осиёдаги барча жадидларни бирлаштиришга интилган йирик намоёнда десак, хато қилмаймиз. У бутун чор Россиясидаги ҳур фикрли, маърифатпарвар мусулмонлар билан мунтазам алоқада бўлиб турар эди".

Хуллас, ўз вақтида улкан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий фикрларни ўртага ташлаган Маҳмудхўжа Бехбудий фаолиятига эътибор берсак, бугун ҳақиқий ва танпарвар, миллатпарвар, эл-юрт келажаги учун қайғурган фикри тиниқ зиёли, қарашлари кенг фидойи инсон кўз олдимизда гавдаланади. Тасаввурга эрк берилса, "Мозий — ҳақиқатнинг тарозусидир", деган бу инсон гўё тарих қаъридан бизга қараб, бугунги мустақил, хурриятли, озода кунларни, ўзининг мавзаам орзуси рўйбга чиққан замонани гоийбона кўриб, қувониб тургандек бўлади.

Ҳаётини миллатимизнинг бахту саодати йўлига бағишлаган улғу бобимизга бугун эъзоз ва эҳти-

ром кўрсатилмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Адиблар ҳибонида жадид аждодимизнинг муаззам ҳайкали қад ростлади.

Бехбудий ҳаёти ва ижоди бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон халқро ислом академияси томонидан улғу мутафаккир ижоди ва фаолияти чуқур ўрганилиб, тарғиб ва ташвиқ этиляпти. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб толамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етати.

Президентимизнинг 2020 йил 30 сентябрдаги Фармонида мувофиқ, Ватанимиз тарихининг гоят мураккаб даврида — XX аср бошларида ўзининг маърифатпарварлик фаолияти ва фидокорона хизматлари билан миллий таълим-тарбия тизимини яратиш ҳамда юртимиз истиклоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажақ авлодларнинг обод ва фаровон ҳаётини таъминлашга қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, бир гуруҳ жадидчилик ҳаракати намояндalари қаторида Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Ортбошимиз тақлифи асосида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги стипендия таъсис этилгани ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳридаги кўча ва мактабга Бехбудий номи берилган. Адабий кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Файрат Маҳид "Бехбудийга бағишлов" шеърини ўқиб берди. Миллий академик театри актёрлари томонидан "Бехбудий монолоғи" ижро этилди. Шундан сўнг, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг эвараси Шохруҳ Бехбудий юртимизда буюк маърифатпарвар хотирасини адабийлаштириш, меросини ўрганиш ва тарғиб этишга кўрсатилган эътибор учун давлатимиз раҳбари ва кенг жамоатчиликка миннатдорлик билдирди.

Дилбар куй-қўшиқлар, ижодкор асарлари асосидаги саҳна чиқишлари йилгиланларга кўтаринки қайфият бахш этди.

Тадбирда "Истиқлол фидойилари. Маҳмудхўжа Бехбудий" ҳужжатли фильми намойиш қилинди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

## АЛЛОМАЛАР ҲАЁТИ — ИБРАТ МАКТАБИ

**“Ўзбекино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан суратга олинган “Маҳмудхўжа Бехбудий” тарихий-бадий фильмининг илк тақдими бўлиб ўтди. Унда фильм ижодкорлари, ёзувчи-шоирлар, адабиётшунослар, журналист ва киношунослар қатнашди.**

Тадбир аввалида ушбу кинокартинанинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берилди. Таъкидланганидек, бундан 18 йил илгари буюк аллома ҳақида суратга олиниши бошланган ушбу бадий фильм баъзи сабабларга кўра тўхтатилган эди. Орадан вақт ўтиб, мазкур картина устида қайта ишланди, қўшиқча тасвирга олиш ишлари амалга оширилди. Маърифатпарвар адиб таваллудининг 145 йиллиги муносабати билан ижодий ишлар янада фаоллашиб, суратга олиш якунига етказилди.

Таъкидлаш жоизки, фильмда суратга тушган кўпчилик актёрлар бугун ҳаёт эмас. Уларга ижод маҳсулини экранда, эфирда кўриш насиб этмади.

— Ушбу маънавий хазинани шу кунларгача асраб-авайлаб келган фильм директори, афсуски, бугун ора-

мизда йўқ, — дейди киножурналист Шоира Рауфбоева. — Ушбу фидойи инсон Насрулло Саъдуллаевнинг хизматлари туфайли бугун биз бу фильмни кўриш имкониятига эга бўляпмиз. Маданият ва маориф арбоби, жадидчилик ҳаракати намояндаси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган ушбу фильмдан юртдошларимиз катта ибрат олиши, тегишли хулосалар чиқаришга ишончимиз комил.

Бако Содиков режиссёрлигида тасвирга туширилган ушбу фильмда ролларни Фахриддин Шамсиматов, Афзал Рафиқов, Яйра Абдуллаева, Обид Юнусов, Маҳмуд Исмоилов, Фурқат Файзиев, Саидкомил Умаров, Убайдулло Омон каби маҳоратли актёрлар ижро этган.

Инобат АХАТОВА («Халқ сўзи»).

## Пандемия даврида ҳам бир неча корхона ташкил қилинди

"Мили текс Сирдарё" корхонаси шу йил иш бошлади. Меҳнат жамоаси аъзолари 400 нафар. Мазкур енгил саноат субъектини ташкил қилган МЧЖнинг "Мили Гулистон Текстиль" калава ип фабрикаси ҳам бор. У ана йиллардан буён фаолият юритяпти.

"Мили текс Сирдарё"да эса трикотаж тўқиш йўлга қўйилди. Келгуси — учинчи босқичда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган. Янги корхонага, биринчи навбатда, кам таъминланган оилалар аъзолари ишга олинди.

Умуман, вилоятда аҳолининг банд бўлмаган қатламини доимий меҳнат билан таъминлаш бўйича кўрсаткичлар тобора ортиб бораётир. Бунда бир эмас, бир неча лойиҳалар амалга оширилмоқда.



Инобат АХАТОВА («Халқ сўзи»).

## Бир гектар — мингга татир...

Йигирманчи йилнинг кўклами Ховос туманининг қўллаб ёшлари учун қувончи келди. Уларга "Ҳар бир ёшга — бир гектар" лойиҳаси бўйича ер беришди ва ишлари тайин

## Мевасидан баргигача тайёр маҳсулотга айлантирилади

Яқинда хоржиликлар Мирзаобод туманидаги "Деҳқонобод асл анори" ишлаб чиқариш кластери раҳбари Исроил Неъматовга



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Г — 1256. 29 857 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғўсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маширабов.

**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6